

БИЗДАН ҚОЛАДИГАНИ— ЯХШИЛИК



- Тўнғич ўғлим Рустамжоннинг ортидан укалари, невараларим, жиянлари ҳам эргашиб, ички ишлар идораларида хизмат қилмоқда, - дейди Нуруний, кўркам соқоли Фатҳиддин бобо Носиров астойдил хурсанд бўлиб. - Баъзан ўғилларим кўнглимни кўтариб, ўзларича олқишлаб мени "Полковник бобо" дейишади. Нима ҳам дердим, ниятлари ўзларига йўлдош бўлсин...

Гап бу ёқда экан-да! Етти ўғилу неваралар милиция соҳасини танлабдими, демек, касбга садоқату ихлоснинг намунаси шу деса арийди. Демак, милиция соҳасидаги сулола бобонинг тўнғич

ўғли - бугунги кунда Қоракўл тумани ИИБ бошлиғи, подполковник Рустам Носировдан бошланар экан.

- Ўғлим Тўлқинжон республика ИИБ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш Бош бошқармасида катта тезкор вакил, майор. Ўртанчам Лазизхўжа Шофиркон тумани ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлинмаси бошлиғи, Хофизжон ўғлим республика Транспорт ИИБ катта тезкор вакили, капитан. Неварам Абдунаби ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси катта инспектори, капитан. Абдухалил ва Илҳомжон эса ИИБ академияси тингловчиси. Эрта-индин ўрта мактаб, лицейни тугатиб, милиционер

бўламан, деб турган невараларим бир этак...

Бухородан олисда - Қизилқум бағридаги чет бир қишлоқда туғилиб, шу жойда томир ёйган отахон - Фатҳиддин бобо билан гурунглашиб ўйлайманки, фарзандлар ота-онаси билан эмас, ота-она фарзанди билан фахрланса, ич-ичидан қувонса, билингки, бу тақдирнинг марҳамати, уларни улғайтириш, эл қаторида кўриш учун тортган барча оғиру енгилликларининг муқофоти - роҳати экан. Отадан ўғилга, ундан боласига ўтиб, узвий бир занжир - халқа ҳосил қиладиган маънавий, касбий боғлиқликка, бутунликка сулола дея ҳавас қилишади.

- Сизда ҳам армон борми, Фатҳиддин бобо? - дея ҳазиломуз сўрайман.

- Банда бўлади-ю орзу-армони бўлмайди, - дея жавоб қайтаради бобо. - Қариганда кишининг кўнгли жуда нозик бўлади. Армон деб бўлмайди-ю бунинг иложи йўқ. Хизматчилик-да, уларни тушунаман, бири Навоий шахрида, бири Тошкентда, яна бири Бухорода. Энг яқин деганим, Рустамжон ҳам Қоракўлда...

Шофирконлик Фатҳиддин бобо Носиров яна айтган эдиларки, "Умр бўйи ҳавас билан яшадим. Ўқитувчиликнинг нони ширин бўларкан, касбимни эъзозладим. Ота-онамдан дуо олдим, уларнинг шаънини баланд тутдим, номларини улўғладим. Бировдан ҳеч қачон тўғри сўзимни, қўлимдан келса, ёрдамимни аямадим. Минг қатла шукрки, ўзгаларга қилган зарра яхшилигим ўн ҳисса, юз ҳисса кўпайиб ўзимга қайтди..."

Шу учрашув—суҳбатдан уч-тўрт ой ўтар-ўтмас Фатҳиддин бобо билан кўришганимизда:

- Ўғилларим, неварам-ю келинларим, Равза бувингиз билан тўпланишиб суратга тушганимизни эслайсизми? - дея сўрадилар. - Тақдир экан, ақинда бувингизни бериб қўйдик, илоё руҳи шод бўлсин. Маъракаларини ўтказиб, ўша суратни яна қўлга олдим. Қарасам, бағримиз тўла бола, улар кампир иккимизни гўё ҳеч кимга бермайдигандек атрофимизни ўраб олишган. Шукр, минг қатла шукр, дедим яратганга. Эртадир-кечдир бандаси бу ёруғ оламдан кетади. Аммо инсондан қоладигани яхши ном, солиҳ фарзандлари яхшилик экан...

Ражаббой РАУПОВ.
Муаллиф олган сурат.



2-3 ноябр кунлари Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимияти ва Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси, "Росзарубежцентр" ваколатхонаси ҳамкорлигида "Хотин-қизлар ва XXI асрдаги барқарор тараққиёт" Ўзбекистон-Россия Форуми ўтказилди.

Ўзбекистон хотин-қизлари фаолигини ошириш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий-иқтисодий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётда тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш мақсадида Ўзбекистон Президентининг

"Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги (2004 йил 25 май) Фармони ва шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмиталари фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси хотин-қизларнинг нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан самарали ҳамкорликни таъминлаш, Ўзбекистонда жамият ва давлат қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтиришга йўналтириш борасида катта ишларни амалга оширмоқда.

«ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА XXI АСРДАГИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ»

Ўзбекистондаги барча элчихоналар, жумладан Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда кенг қўламли ишлар қилинди. "Росзарубежцентр" ваколатхонаси билан тузилган ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги шартнома асосида кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини соғломлаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилди. "Хотин-қизлар ва XXI асрдаги барқарор тараққиёт" Ўзбекистон-Россия Форуми ҳам Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигининг яна бир намунасидир.

Форумни ўтказишдан мақсад: иқтисодий-сиёсий, социал-иқтисодий, илмий ва маданий-маърифий соҳаларда халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш; давлат, жамият, нодавлат-нотижорат ташкилотлари аёл раҳбарлари, тадбиркорлар, илм-фан ва маданият соҳасидаги аёллар ва Хотин-қизлар ҳаракатининг фахрийларини жамият барқарор ривожига, хотин-қизлар кўмиталари фаолиятини кенгайтиришга нодавлат-нотижорат аёллар ташкилотларини Россия Фе-

дерациясининг турли хотин-қизлар ташкилотлари билан маълумот ва тажриба алмашиш учун кенг жалб этиш; Россия Федерацияси хотин-қизлар Уюшмалари билан дўстона муносабатларни ривожлантириш, ўзаро илмий-социал тадқиқотларни амалга ошириш; хотин-қизлар ҳаракатини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдир.

Форумни Ўзбекистон Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова очди ва "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг фаолияти ҳақида" маъруза қилди. Форумда Россия давлат Думаси депутаты, Федерация ишлари ва минтақавий сиёсат Кўмитаси аъзоси, Европа иттифоқи парламент ассамблеяси аъзоси С.Смирнова, Россия Федерацияси мустақил касаба уюшмалари

Федерацияси гендер тенглик бўйича Бош Кенгаш Комиссияси раиси Л.Зенкова, Россия хотин-қизлар Иттифоқининг Саха минтақавий бўлими хотин-қизлар ташкилотлари Иттифоқи раиси В.Кириллина, Россия хотин-қизлар Иттифоқининг халқаро дастурлар бўйича мувофиқлаштирувчиси Е.Бахлуз, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А.Саидов, Ўзбекистон Соғлиқ ва Касалаш вазирлиги раиси Ф.Назиров, Тошкент тўқимачилик институти ректори Х.Алимова, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Д.Жаҳонгирова, Педиатрия илмий-тадқиқот институти директори Д.Махмудова, "Файз Холдинг" компанияси раиси М.Азимова, Ўзбекистон "Тадбиркор аёл" ассоциацияси раиси Д.Алибекова ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Форум якунида Ўзбекистон хотин-қизлар Кўмитаси ва Россия хотин-қизлар уюшмаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Ўз муҳбириمиз

НИКОҲ ШАРТНОМАСИ ҲАҚИДА

Кўпчилигимиз хорижий сериалларни томоша қиламиз. Шунда уларнинг айрим хислатларини қораласак, айримлари га тан бериб ўтираемиз. Оиланинг бузилиши улар учун жуда катта бир фожеа деб қаралади. Илоҳи борица энг оғир гуноҳ содир этилмаса, эр-хотин бир-бирини кечирадилар. Борди-ю, бузиладиган бўлса эр ҳам, хотин ҳам ўз ҳуқуқларини поймол этилишига йўл қўймай, томонларнинг мулкий низолари суд томонидан кўриб чиқилади. Ана шу пайтда тўйда тузилган "Никоҳ шартномаси" асос қилиб олинади. Шартномани бузган томон қонун олдида жавоб беради.

Бизда-чи? Худди мана шу дақиқада орият тушунчаси ёдга тушса нур устига аъло нур бўлади. Аксинча бўлса... "Никоҳ шартномаси" худди ана шу дамларда ёрдамга келади. "Никоҳ шартномаси" фуқароларимиз учун янгилик бўлма-да, у ҳақда оз нарса билемиз. Бу ҳуқуқий ҳужжатнинг зарурияти ҳақида Андижон шаҳрида шу соҳага дахлдор масъул шахслар билан давра суҳбати уюштирдик. Суҳбат қатнашчилари Сиз азиз муштарийларга ўз фикр-мулоҳазаларини баён этадилар.

Сабоҳон Умарова - Андижондаги 2-Давлат нотариал идорасининг бошлиғи:

- Аввало "Никоҳ шартномаси" ҳақида тушунчага эга бўлиш керак. Бу ҳақда 1998 йил тасдиқланган "Оила" кодексининг 23-25-29-моддаларида қайд этиб ўтилган. "Никоҳ шартномаси" оила тузилишидан аввал ҳар икки ёш ихтиёрий равишда ўз мол-мулкни қозоғга тушириб, ФХДё бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнггина тасдиқланган ҳужжатдир. Қонунда "Никоҳ шартномаси" тўйдан аввал ҳам, тўйдан кейин ҳам тузилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Шартномадан ҳар икки томоннинг фақат ўзига тегишли бўлган мол-мулкнинг рўйхати, ҳатто маънавий мажбуриятлари ҳам жой олади. Шунч айтиш

керакки, шартномада ҳар икки тарафнинг кўчмас мулки ҳам ўртага қўйилади. Борди-ю келишмовчилик ёки бошқа сабаблар (касаллик, ўлим) содир бўлиб, оила бузиладиган бўлса, шартномада кўрсатилган биронта ҳам мажбурий бузилмаслиги керак. Агар бузилса эр ҳам, хотин ҳам қонун олдида жавобгар бўлади.

Лекин кўпинча аёллар ўз ҳуқуқларини яхши билмасликлари боисми, орият қиладиларми мол-мулксиз қолиб кетарадилар.

Никоҳ шартномаси ФХДё бўлимига ариза ташлаган қундай тузилиб, нотариус томонидан тасдиқланishi шарт.

Саломатхон Отахонава - "Соғлом авлод учун" жамғармаси Андижон вилоят таянч пункти директори.

- Ёшларни оилага тайёрлаш энг долзарб масъулиятли вазифага айланиб бораёпти. Аммо бу масъулиятни ҳамма ҳам ҳис этавермайди. Биз никоҳгача тиббий кўрик нақадар зарурлигини, тушунтириш ишлари олиб борганимизда бунга амин бўлдик. Чунки тиббий кўриқка ҳам кўр-кўрона, шунчаки қаралаёттир. Натижада тўйдан кейин фарзандсизлик ёки турли касалликлар келиб чиқиб, оила бузилишига сабаб бўлаяпти. Бунга келин-куёвгина эмас, катталар ҳам сабаб бўлади. Ваҳоланки, уларнинг ўзи келиннинг ёки куёвининг соғлигини яхшироқ билиб, наслини суриштириб, сўнгра қудачилик қилишлари керак. Никоҳгача тиббий кўрик оиланинг тинчлиги, авлоднинг соғлиги, тотувлик ва бахтиёрликнинг гаровидир. Шунингдек, "Никоҳ шартномаси" ҳам кўпчилик, ҳатто ёдига келтирмайдиган мавзу. Чунки ҳеч ким тўйнинг ширин ташвишлари билан банд бўлиб, ёмон ҳаёлларга боришни хоҳламайди. Аммо ажралишлар ҳамон камаяётгани йўқ. Арзимаган тортишувлар ҳам оилаларни пароканда қилиб

юбораёпти. Демак, ўз ҳуқуқини тушунган, келажак ҳақида қайғурадиган ҳар бир киши "Никоҳ шартномаси"ни тузиб қўйиш, оиланинг мустақамлигини белгилашини ҳис қилиши керак. Бу шартнома ҳар икки томоннинг маъсулиятини оширади. Куёв ҳам, келин ҳам ажраб кетишдан аввал, ўртада шартнома борлиги, бузилса қонун олдида жавоб беришини ўйлашлари табиий.

Матлубахон Нўмонова - Андижон шаҳридаги "Яхши" маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар кўмитаси раиси:

- Аввало оилалар бузилмасин. Аммо

Давра суҳбати



бундай воқеалар учраб турибди. Шундай пайтда "Никоҳ шартномаси" расмийлаштирилган бўлса, ўртада айрим низолар, кўнгилсиз ҳодисалар бўлмас эди.

Маҳаллаларда яраштириш комиссиялари бор. Жанжалли оилаларни яраштирсак-ку яхши, аммо бунинг иложи бўлмаса, албатта мулкий низо келиб чиқади. Судлар бундай пайтда маҳалла фуқаролар йиғинининг хулосасига таянади. Бу хулосани чиқариш биз учун жуда қийин кечади. Ҳар икки томон арзимаган келин сепи устида ҳам талашиб-тортишадилар. Фар-

Миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган инсоний хислатлардан бири ориятдир. Бу тушунча мажбур экан, ҳеч бир инсон тубанлик ботқоқга ботмайди, эл орасида обрўси тўймайди. Аммо жуда кўп маънавий таназзул йўқотишлар боис бундай инсоний тушунчалар ҳам дарз кетгани бугун сезилиб қолаёттир. Оиладек муқаддас бирликни осонгина бузиб, никоҳда боғланган маънавий ва моддий жипсликни осонгина йўққа чиқарилиши ҳам ҳар икки томондаги ориятнинг етишмаслигидандир. Чунки оила бузилиши билан ўртадаги фарзандлар тақдири қолиб, мол-мулк низои, ўзара жанжал-тўнолонлар бошланиб кетади. Икки томон бир-бирига душманга айланади.

НИМА БИЛАМИЗ

зандлар кўпинча онада қолади. Мол-мулк бўлинганда эса, фарзандларга ҳеч нарса ажратилмайди. Агар никоҳ шартномаси тузилганда, мулкнинг қанча қисми эрда, қанчаси хотинда қолиши, фарзандларнинг улуши ҳам аниқ кўрсатилган бўларди. Демак, ўз-ўзидан низолар камаяди. Тўғри, баъзи ориятли оилалар бор. Аммо мол-мулк, бойлик олдида баъзан энг ақил қариндошлар ҳам юз кўрмас бўлиб кетадилар. Шундай оталар борки, ёшлигида ташлаб кетган фарзандларидан умрбод хабар олмайдилар. Шундай оилани биламанки, келин ўзининг сепидаги битта кўрпакликни сотгани учун қайнонаси ҳайдаб юборган. Битта оила, икки нафар фарзанд сарсон бўлди. Ўша қайнона келин сепидаги мулкка эгаллик қилиши нотўғри эканлигини тушунмади.

Абдурахмон Ортиқов - Андижон шаҳар бош имом - хатиби.

- Шариат қонуниларида никоҳнинг маҳр тўғрисидаги алоҳида кўрсатмалари бор. Икки ёш ўртасида никоҳ тузилганда куёв томон, келинга маҳр, яъни маълум мол-мулк ҳадя қилади. Маҳр нақд маҳр ва насия маҳрга ажралади. Куёв томондан келин томонга берилган сеп-сидиргадан тортиб катта мулкнинг бир қисмигача, келиннинг маҳри ҳисобланади. Маҳрни иложи борица куёвнинг ўзи ишлаб топиши керак. Шунда оилалар мустаҳкам бўлади. Ота-онанинг мол-мулки билан уйланган йигит оила масъулиятини ҳам у қадар ҳис қилолмайди. Демак, "Никоҳ шартномаси" шариатдаги маҳр тушунчасига тўғри келади. Аммо фуқаролар орасида илмсизлиги боис ҳам қонуний, ҳам шаръий томондан ўз ҳуқуқ ва бурчларини англамаслик хол-

лари кўп учраб турибди. Баъзи ёшларимиз жанжаллашиб қолса ҳеч нарсани ўйламасдан "талок" сўзини айтиб юбораверадилар. Ваҳоланки, бу сўзнинг масъулияти жуда катта. Ҳар қандай вазиятда "талок" сўзи ўртага тушса уч ойгача "ицца" муҳлати бор. Ицца сақлаш даврида ҳам келин куёвничида яшashi шарт. Шу уч ой ичида яна бир-бирига кўнгил боғланса, ажрашиб кетмай яшаб кетишлари мумкин. Агар ицца даврида ярашиб кетмасалар яна никоҳ вожиб. Икки ёш ажрашиб кетган тақдирда келинга берилган маҳрда куёвнинг сепидаги битта кўрпакликни сотгани учун қайнонаси ҳайдаб юборган. Битта оила, икки нафар фарзанд сарсон бўлди. Ўша қайнона келин сепидаги мулкка эгаллик қилиши нотўғри эканлигини тушунмади.

Тахририятдан: "Никоҳ шартномаси" тузалмиз, десак, қўдалар нима деркин, ўзбекчиликка тўғри келармикин, деган саволлар кўпчиликнинг кўнгилдан ўтиши табиий. Аммо аёл кишини фарзандлари билан қаровсиз қолдириш, мулкдан ҳеч нарса ажратмаслик, хотин устига хотин олиши ҳам ўзбекчиликка тўғри келмайди-ку. Демак, оила деган муқаддас даргоҳга ҳар томонлама тушунган ҳолда, ҳам қонуний, ҳам шаръий ҳуқуқларни ҳис қилган ҳолда қадам қўйиши керак. "Никоҳ шартномаси" бу борада ҳар бир оиланинг кўмакчисидир.

Суҳбатни Мухаббат ОТАМИРЗАЕВА ёзиб олди.



Айни кунларда республикамиз бўйлаб «Зулфия» номидаги давлат мукофотига номзодларни танлашнинг туман босқичлари ўтказилмоқда. 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган қизлар санъат, адабиёт, таълим, фан, маданият йўналишлари бўйича ўз иқтидорун тасвирдорларини намойиш этишмоқда ва ҳакамлар ҳайъати томонидан энг сара деб топилганлари танловнинг кейинги босқичига йўлланма олмақдалар. **Суратда:** Тошкент шаҳар, Бектемир туманида бўлиб ўтган «Зулфия» мукофоти танлови иштирокчилари. **Суратчи:** М. МИРСОДИҚОВ

ДАЛА МЕҲНАТКАШЛАРИ ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон Хотин-қизлар Кўмитаси, "Соғлом авлод учун" халқро хайрия жамғармаси билан ўзаро ҳамкорликда, қатор хайри ишларни амалга оширмоқда.

Яқинда "Соғлом авлод учун" халқро хайрия жамғармаси ходимлари ва Ўзбекистон Хотин-қизлар Кўмитаси қoшидаги

Ахборот

"Зулфияхоним қизлари" клуби аъзолари Тошкент вилояти, Бўка туманидаги "Мустақил Ўзбекистон" жамоа ҳўжалигининг пахтакор қиз-жувонлари билан учрашдилар.

Пахта далаларида аёлни-онани мадҳ этувчи шеърлар, кўшиқлар янгради, рақслар ижро этилди, мурувват ёрдамлари кўрсатилди. Шунингдек, ушбу ижодий гуруҳ Тошкент вилоятининг Ўрта-Чирчиқ тумани пахта далаларида ҳам бадиий-мусликий дастурларини намойиш этишди. Тиббий-патронаж бригада ходимлари томонидан хотин-қизлар тиббий кўриқдан ўтказилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга мурувват ёрдамлари ҳам топширилди.

Ўз мухбиримиз

ЯНА ҚЎЙ СОТИБ... Обуна—2005

"Оила ва жамият" ни илк бор қўлга олганимдан буён шу газетасиз яшай олмайдиган бўлиб қолганман. Турли сабаблар бўлиб газетанинг бирор сонини ўқий олмасам, жуда ёмон аҳволга тушиб қоламан. Хумор қилаверари.

Газетани топиб ўқишим билан шу қадар кайфиятим кўтарилиб кетадики, ўзимни ҳар қандай ишни бажаришга қодирдек ҳис этаман.

Ҳар бир саҳифадаги мақолаларни ўқиб ҳузур қиламан. Демак, мен сеvimли "Оила ва жамият" имсиз яшай олмас эканман.

Бу йил ҳам 16 октябр кунни бозорга бориб, қўй сотиб келдим. Ва... Пулгача 2005 йил учун "Оила ва жамият" газетасига бир йилга обуна бўлдим. Негаки, газета йил давомида битта қўйнинг пулини 10 баробар қилиб қайтаради. Бу гапимнинг маъносини газетанинг ашаоддий мухлислари яхши тушунишади.

Ҳoшим ОРЗИҚУЛОВ, Самарқанд вилояти, Нуробод тумани.

КАХРАМОНЛАРИМИЗ - Ўзбекистон телевидениеси "Келин-куёв" кўрсатуви муаллифи, режиссёр ва бошловчиси Соат Шарипов ва рафиқаси — Юнус Ражабий номли мусиқа коллежи ўқитувчиси Гулсара Шарипова - Оила тегирмонини бирга юргизишга 26 йил бўлган келин-куёвлар.

Уларнинг кўркем хонадонига таширф буюрганмизда Соат ака спорт залида "чиқиқий" билан машгул, Гулсара опа набирасини бешикка "белаш" билан овоза эканлар. Бирпасда қизлари — Чаросхон, Хулкархон ҳамда набиралари билан даврага жам бўлишди.



ча, шу бахтдан айирмасин (кўзларидоғи севинч ёшларини яширолмади). Болаларига гам-хурлигини айтмайсизми? Санъатжоннинг Ломоносов Университетини тугатиб, журналистика соҳасида изланишлар олиб бораётганлиги, Чаросхоннинг халқаро журналист бўлиши, Хулкархоннинг Миллий Университетнинг роман-герман факультетига ўқиши -



Г.Ш.: - Соат акамнинг бўш вақти оз бўлса-да, қаерда бўлмасин телефонда болаларни ҳам, мени ҳам 2, 3 бор йўқлайди. Бизнинг дам олишимизни ҳам Соат акам ўзи режалаштириб, ўзи уюштиради. Биргаликда Арабистон, Куба, Болгария, қўшни мамлакатларга саёҳат қилганмиз...

С.Ш.: - Ҳа, озгина бўш вақт топсам, болаларим билан чиройли манзарали жойларга бориб, дам олишни яхши кўраман. Инсонга шундоғам қисқа умр берилган. Бу дунёдан ўтгач, уни йўқлайдиган энг аввало оиласи, сўнг қариндошуруғ, дўстлари.

Мен баъзи келин-куёвларга тушунмайман. Севган қизига уйланган йигит тўй ўтгач, бутун "ёмонини" хотинига ҳады этади. «Ахир сен умрингни гўзал қилиш, орзуларингга йўлдош топиш учун уйлангана кизикшимизга катта эътибор берадилар, ўзимнинг адажоним (адасини ўпиб қўяди).

Хулкар: - Адажонимизнинг оийжонимизга муносабатларини кўриб, қувониб кетаман. "Фалончининг отаси онасини калтакларкан", деган гапларни эшитсам, тасаввуримга сиғди-ролмайман. Оийжонимиз бизга дўст ва сирдош дугонадек. Оийжонимиздан ўрганганларимизни адажонимиз тўлдирдилар. Уйимизда дом ҳазил-хузул, кулгу, юмор ҳукмрон.

Эр-хотин бўш вақтларини бирга ўтказасизларми ёки хар ким дўсту кадрдонлари биланми?

Санобар ФАХРИДИНОВА сўхбатлашди.
Сувратлар муаллифи:
М. МИРСОДИҚОВ

ФАЙЗЛИ, ТАРОВАТЛИ ХОНАДОНДА...



- Соат ака, кўп йиллардан буён "Зангори экран" орқали сизнинг кўрсатувларингизни кўраман. "Иқбол", "Қувноқлар ва зукколар", "Чархпалак ёки бахтингдан кўр" сингари кўнгилочар кўрсатув ва шоуларингиз кўпчилигининг эътиборига тушган эди. Бир-икки йилдан буён бахтли жуфтликларнинг "саргузаштлари"ни "фощ" этаётган "Келин-куёв" шоуингизни ҳам "тўрт кўз" бўлиб кутаётганлар бисёр.

Авалло келинг, "катта куёв" - Сизнинг қайси касб-биракасини менга тегишга кўндириб беринг, уйланмоқчиман", - деди. Шу ният билан қизларга яқинлашдим, Гулсарани ёқтириб * қолдим. "Топдингизми, Соат ака?", - деб келган Зойирга эса: "Жўра, ёқтирган қизинг билан ўзинг танишиб ол, ўртага бировни қўшма калланг бўлса...", - дедим орқасига бир "тушириб"...

Г.Ш.: - Ушанда Соат акага аҳамият бермаганман. Бир куни бетоб бўлиб касалхонага тушиб қолдим. Соат ака эса доим мендан хабар олар, кўнгилмин кўтарарди. "Демак, ёмон одам эмас экан", - деб ўйлаганман. Шу-шу уларни кўрсамас, бир нарса мени йўқотгандай, қарахт бўлиб юрадиган бўлдим. Дўст-ёрларим: "У йигитнинг ёнида қанча чиройли қизлар бор. Ундай одамлар беқарор бўлади", - деб мени айнитишга кўп ҳаракат қилишган, бўлмаган.

С.Ш.: - Бахтли келин-куёвларни кўриб, одамлар ҳавас қилсин, ўз хатоларини, камчиликларини тугатишсин, унутган вазифаларини бажаришга шошилишсин, деган ниятимиз бор. Хуллас, мақсадимиз - эзгулик, яхшилик.

- Рафиқангиз билан илк учрашувингизни эслай оласизми?
С. ШАРИПОВ: - Тўғриси, бир ўртоғимга келин танлаб бераман, деб у қизга ўзим ошиқ бўлиб қолганман.

С.Ш.: - Театр-рассомчилик институтига ўқир, ҳаваскорлар клубининг "Парвоз" мусиқий драма дастасига қатнашардим.

1974 йил жаҳон чемпиони Руфат Рискиев шарафига концерт берадиган бўлди. Дастада йигитлар овози кўпайиб, қизлар овози қамайиб қолди. Овозни кучайтириш учун Пед-институт домласи Мансур Мамиров талабаларини таклиф қиладиган бўлди. Келган 5 қизнинг орасида Гулсара ҳам бор эди. Шу пайт оғзини очиб юрадиган доирачи Зойир исмли дўстимиз олдимга келиб: "Соатжон, сиз қизлар билан яхши гаплашасиз. Бирортасини менга тегишга кўндириб беринг, уйланмоқчиман", - деди. Шу ният билан қизларга яқинлашдим, Гулсарани ёқтириб * қолдим. "Топдингизми, Соат ака?", - деб келган Зойирга эса: "Жўра, ёқтирган қизинг билан ўзинг танишиб ол, ўртага бировни қўшма калланг бўлса...", - дедим орқасига бир "тушириб"...

Г.Ш.: - Ушанда Соат акага аҳамият бермаганман. Бир куни бетоб бўлиб касалхонага тушиб қолдим. Соат ака эса доим мендан хабар олар, кўнгилмин кўтарарди. "Демак, ёмон одам эмас экан", - деб ўйлаганман. Шу-шу уларни кўрсамас, бир нарса мени йўқотгандай, қарахт бўлиб юрадиган бўлдим. Дўст-ёрларим: "У йигитнинг ёнида қанча чиройли қизлар бор. Ундай одамлар беқарор бўлади", - деб мени айнитишга кўп ҳаракат қилишган, бўлмаган.

С.Ш.: - Хуллас, 3-4 йил унинг ортидан "демона" бўлганман. Ахийри бир кун уни учрашувга таклиф қилиб: "Келсангиз, келдингиз, бўлмаса бошқа сизни

безовта қилмайман!" - дедим. Уша кун... ваҳима билан учрашувга отландим... Бахтимни қарангки, ярим йўлда бир-биримизга рўпара келиб қолдик...

Гулсарахоннинг розилигини олгач, Аҳад акам ва амакимни Самарқандга совчиликка юборганман. Гулсаранинг уйини топиб боришлари ҳам қизиқ бўлган. Менинг тушунтиришимча, анҳордан ўтгач, 3-ёки 4-ҳовлига кириб, уйдаги сервантда менинг расминни кўришса, бемалол уйдигиларга

мақсадларини айтишлари мумкин эди. Акам ҳовлини топгач, мезбоннинг "ҳай-ҳай"лашига қарамай, тўғри уйга кириб, сервантдаги расмини кўришга ошиққан. Сўнг ҳаммани танг қолдириб: "Келаверинглар, келиннинг уйи шу экан", - деб кўчадагиларни чақирган. Кайнонам (раҳматлик) аввалига "ғиждувонлик йигит" қизини узоққа олиб кетишига рози бўлмаган. Совчилар учинчи боришларида ишни пишитиб қайтишган, худога шукр.



- Соат ака, нега энди айнан Гулсара опани танладингиз?
С.Ш.: - Очиғи, кўпчилик учун "Соат Шарипов" бўлган йигит Гулсарахон учун "ҳеч ким" эдим. Унинг мағрурлиги эътиборимни тортган. У парво қилмагани сари, мен "қоврилардим". Қизлар унутимасин, киз бола қанчалик ғурурли бўлса, йигитнинг муҳаббати шунчалик оловланади!

- Гулсара опа, Соат акадаги қайси фазилатни қадрлайсиз?
- Соат акамдаги бир-сўзлиқни, қатъийликни яхши кўраман. Ниҳоятда раҳмдил ва меҳрибон инсон. Оилага жуда эътибори баланд. Бирор-бир атоқли сана, тутилган кун, байрамларимиз эсидан чиқмайди. Кечкурун бир кучоқ гул (совғаси билан) олиб келиб эрталабгача яшириб қўяди. Тонг ёришмасдан пойингизда бир сават гул сизни кутлаб туришига қиёс йўқ. Меним-

ҳамма-ҳаммаси Соат акамнинг жонқуярлиги туфайлидир. "Аёл бировнинг ёрдамига кўз тикиб ўтирмасин", - дейди доим. Қизларнинг компьютердан хабардор бўлишига, пазандалик ва ҳайдовчилик курсларида сабоқ олишларига ҳам имконият яратганлар. "Жони фарзандларининг ичида", десам ёлгон бўлмас...

Шу ўринда қизлар сўхбатга қўшилишди.

Чарос: - Адажонимиз бирор марта кўпол гапириб, дилимизни оғритмаганлар. Бирор иш қилмоқчи бўлсалар, (ёшлигимизга қарамай) бизнинг ҳам фикримизни сўрайдилар. Кичкина кизикшимизга катта эътибор берадилар, ўзимнинг адажоним (адасини ўпиб қўяди).

Хулкар: - Адажонимизнинг



ойжонимизга муносабатларини кўриб, қувониб кетаман. "Фалончининг отаси онасини калтакларкан", деган гапларни эшитсам, тасаввуримга сиғди-ролмайман. Оийжонимиз бизга дўст ва сирдош дугонадек. Оийжонимиздан ўрганганларимизни адажонимиз тўлдирдилар. Уйимизда дом ҳазил-хузул, кулгу, юмор ҳукмрон.

Эр-хотин бўш вақтларини бирга ўтказасизларми ёки хар ким дўсту кадрдонлари биланми?

Санобар ФАХРИДИНОВА сўхбатлашди.
Сувратлар муаллифи:
М. МИРСОДИҚОВ

Соат Шариповдан бир эжангома

1981 йил биринчи марта кўчага машина ҳайдаб чиқишим эди. Қоронғи тушиб қолган. Светофорнинг ёнида тўхтаман, милиционер келиб, "честь" берад-ла:
- Нега "подфарник" ни ёқмайсиз? - деди.
- Ҳали "подфарник" ёқагани пайт бўлмади-ку, - дедим уни ёқини билмаслигимни яшириб.
- Сиз учун "подфарник" қунадузи ёқаладими? Ёқинг, деяман, - деди овозини кўтариб у.
- Ҳўп, хўп... - дедим-у, тўғри келган қнопкани босдим. Бирдан шақ-шўқ қилиб ойна тозалагич ишлаб кетса бўлашимми?!
- Машина ўзингизникими? Бировникига ўхшашпти-, - деди милиционер шубҳа билан.
Саросимаа яна бир қнопкани босганимни биламан, ойна тозалагичнинг ёнидан сув отилиб, тўғри милиционернинг юзини "ювади".
- Эй, тушинг-э, - деди милиционер энди ҳақиқатдан жаҳли чиқиб.
- Ҳозир, ҳозир! - дея охириги қнопкани босдим.
Бахтимдан ўргулай, фаралар ёниб кетди,
- Сиз билан ҳазиллашувдим, - дедим пинагимни бузмай.
Милиционер ҳам энди мени таниб қолди, шекилли қулиб:
- Ҳа майли, артистаар ўзи қизқич бўлишад-аа... - деб менга "честь" бериб қолди...

МУАЛЛИФ СЎЗИ: Мен ҳам сеvimли "Oila va jamiyat" газетасининг мухлислариданман. Газетадаги мақолаларни жон-дилим билан ўқийман ва ўзимни доим ҳамнафас сезаман. Менинг касбим ўқитувчи (тарихчи), 36 йилдан буён ёшлар тарбияси билан шуғулланаман. Ёшларни жуда севаман. Бахтли, омадли оилаларни кўрсам хурсанд бўлиб, ҳаёт чорраҳаларида адашган, тақдир чалқаш одамларни кўрсам қаттиқ изтироб чекаман. Ойлаб, йиллаб ҳаёлимдан кетказма оймайман. Айниқса, аёлини, онани, гўдакни эҳтиёт қила олмагани, инсон

қиефасидаги махлуқлардан жуда нафратланаман. Мендан унча узоқ бўлмаган бир кичкинагина оиланинг катта мусибати шу эшитиб тинчлими йўқотдим. Агар менинг дуру-заваҳарларим бўлганда эди, шунча мусибатларга чидаган жафокаш оналаримиз бошидан сочган бўлардим. Ушбу воқеани қалбим кўри билан баён этиб, ҳикоя сифатида юбораяман. Аслида журналистикага жуда меҳр қўйгандим. Тақдир тақозоси билан бошқа соҳада ишлаяпман. Шундай бўлса ҳам, озми-кўпми қалам тебратаяпман.

Одамлар билан тирбанд бекатда ҳеч кимга эътибор бермай сўхбатлашаётган аёлларнинг орқасида зилдек сумкам билан турарканман, икки аёлнинг сўзлари қулоғимга чалина бошлади.

- Биласанми, ўртоқ, ўша кун эрталаб мазам қочиб сира ўрнимдан тургим келмади. Қани энди биров келиб бир пиёла сув тутса. Шу ёшга келибманки ўзим учун ўлиб тириланман-а! Эрта-кеч ишлаб рўзгоримни бутладим. Бешолти сўм жамғариб қўйдим. Би-



ЁМОН

ровга муҳтож эмасману, аммо... Илгари буни унчалик яхши билмагандим, ўша кун ўзимга ачинаиб, хўрлигим келиб хўнг-хўнг йиғладим. Ҳамма нарса вақтида бўлгани яхши экан-да. Агар вақтида мен ҳам турмуш курганимдаку... Балки менинг ҳам атрофимда болаларим, талайгина набираларим бўлар, ёлғизликдан бунчалик абгор бўлмасдим? - аёл сўзига жавоб олар-олмас дугонасининг автобуси келиб қолди.

У : "Майли кейин гаплашаримиз. Эртага уйга ўтгин. Келинларимнинг қўлидан бир ош еб келасан!" - дея дардини айтган ўртоғининг ярасига баттар тўз сепиб кетди. Шу пайт бир ўзи қолган аёлнинг ёнига 65 ёшлардаги ҳорғин ва усти боши бир аҳволда бўлган қария келиб:

- Синглим, билмайсизми, "қариялар уйи"ни қандай топсам бўлади? - деб сўради. Аёл бу жойнинг Қора-қамишда эканлигини, йўлнинг нариги томонидан 85-автобуга ўтириб бориши мумкинлигини тушунтирди. Сўнг: - «Ота-хон у ерда нима қиласиз? Бирор кишининг борми?» - деб сўради.

- Э, синглим-а, ҳозирча у ерда ҳеч кимим йўқ. Лекин ўша ердан бошпана топиш илинжидаман, - деди. Аёл эса:

- Болаларингиз йўқмиди? - деди ҳамдардлик билан.

- Бор, бир эмас беш нафар ўғил-қизларим бор. Улар яхши жойларда ишлашади. Лекин мен ҳозир кўчада қолганман. Чунки, ҳеч жойда рўйхатда йўқлигим учун беш ойдан буён пенсиямни ола олмайман.

- Шу ёлғизсиз... Наҳотки шу пайтгача уйингиз бўлмаган бўлса? - сўради аёл.

- Оналари вафот этгач, болаларимга ўғайлик қилади деб, қайта уйланмадим. Кичик қизимни узатиш учун уйимни сотиб қизимга сеп-сидирга қилдим. Кейин уйсиз қолдим. Ёлғиз ўғлим ҳам қаердадир юради. Ҳозир бир қизимнинг дала ҳовлисида турибман. Қизларимнинг ҳар бирини бекаму-қўст қилиб узатганман. Лекин, бирортаси ҳам уйига рўйхатдан ўтишимга кўниш-маяпти-да. Онаси бўлганда-ку... - Шунинг учун қариялар уйини излаб юрган экансиз-да...

- Ҳа, синглим, ана шундай ўғил-қизларингизнинг бори ҳам бало, йўғи ҳам бало экан. Авваллари бировга айтишдан ор қилардим, 85 - рақамли автобус кўринди. Отахон автобуга қараб йўналди.

ХАМИДА

Кундалик ҳаёт ташвишлари билан банд бўлиб, нафақат кўни-қўшилари, балки қариндош-уруғлар, ҳатто ота-она, ака-ука, опа-сингилдан хабар олишга вақт топмаймиз.

Кўп қаватли уйларида яшовчиларнинг одати бўйича кўни-қўшилари билан қисқа саломлашиб ўтиб кетаётиб, бир аёлнинг мени ҳар кун гапимни кузатишига эътибор бердим. Қалбимда қандайдир ачинаш ҳисси билан, албатта фурсатини топиб ҳол-аҳвол сўрашни дилимга тугиб қўйдим.

Орадан анча кунлар ўтиб кетди. Бир кун кечки пайт невараларнинг шўхлигиндан чарчаб кўчага чиқсам ҳалиги аёл ҳам "дом" олдиди ўриндиқда ўтирибди. Дилимда уйланган тугуннинг ечилишидан хурсанд бўлиб олдига бордим. Бироз ҳол-аҳвол сўрашгач, аёлнинг исмини, ким билан яшашини сўрадим. Сўрадим-у, сўраганимдан минг хижолатлар чекдим. Чунки, ўзини "Мастура хола" деб таништирган аёлнинг кўзларида беҳос ёш қалқиди.

Мен мавзунини ҳар қанча ўзгартиришга ҳаракат қилмадим, лекин иложи бўлмади. Мастура хола дил ихзорини секин-аста сўзлай бошлади:

- "Мен, ҳув анави кўп қаватли уйнинг 3-қаватида, эримнинг вафотидан сўнг 20 ёшли ўғлим ва 16 ёшли қизим билан яшардим, - деди хола. - Ҳаётимиз тинч, осуда ўтарди. Лекин кунларнинг бирида мудҳиш воқеа юз берди. Ўғлим Низомиддин ишдан қайтаётганда, катта йўлнинг кесиб ўтиш жойида енгил машина уриб кетди ва ўзига келмасдан оламдан ўтди. Бутун ҳаётим барбод бўлгандай, ўртандим, фарёд қилдим, фарзанд доғида қалбим тилка-пора бўлди. Лекин ўғлим қайтиб келмади. Қандай қилай, тақдир ишларига тан бермасдан иложим қолмади.

Энди ёлғиз умидим, сунанган тоғим, ишонган боғим шу қизаюғим эди. Ўрта мактабни тугатган қизим Ҳилола, ўқишга иштиёқи балан бўлса-да, ишлаш истагини билдирди. Чунки, энди тирикчиликнинг машаққатлари қизимнинг зиммасига юланганди. Шундай қилиб, қизим заводга ишга кирди. Ҳилола машина эҳтиёт қилар, менинг сурункали ошқозон касаллигимни вақти-вақти билан даволатиб туришимни ўқитарди. Баъзида қизимга қараб раҳим келиб: "Ақаси ҳаёт бўлганда ҳам Ҳилола тенги-тушлари сингари ёшлик гаштини сурармиди?" - деб ўйлардим. Лекин унинг меҳнат-севарлиги, озода-саранжомлигига қараб суюнардим ҳам. Шундай қилиб, она-бола бир-биримизга суняиб тинч-осойишта яшардик. Лекин, сўнгги пайтларда қизим бошқа уйга кириб хаёл суриб ўтирар, олдига кирганимда хижолатдан қизариб кетар эди. Ҳар қанча сабабини сўрамай лом-мим демасди.

Бир кун ярим кечада қизимнинг кўрпа ичида пиқиллаб йиғлаётанидан уйғониб кетдим. Ўрагимни ваҳима босди, қизимни бағримга босиб: "Нима гап, нима бўлди", деб ялиниб-ёлвориб сабабини сўрадим. Шунда у қизариб кетган кўзларини яшириб, Рустамжон деган илгитини яхши кўриб қолганлиги ва ҳомиладор эканлигини айтди. Э, вох, бу яна қандай кўргулик, қандай шармандалик! Наҳот, торган мусибатларим камлик қилса?! Орзу-хавасларим энди қаерда қолди?! Ох, қизаюғим нега шунчалар соддасан?! Қалбим нидоларига жавоб тополмас эдим. Аммо, энг оғир жудолик - ўлим-ку, нетай энди, ахир, бу тириклик ҳалотлари-ку! - деб ўзимни юпатдим. Қалбимда тугилажак неварамга бўлган

пинхона меҳр-муҳаббат

Мастубларингиздан бири...

уйғонди-ю, тўй тарафидида бўлажак қудаларга, қўшним орқали хабар юбордим. Не кўз билан кўрайки, эртасига 40-50 ёшлар атрофида, ясанган, қулоғида катта тилло балдоқ, бармоқларида кўш-кўш тилла узуклар таққан аёл эшигим олдиди мени ҳақоратли сўзлари билан сўкиб, аюханнос соларди. Қани энди, ер ёрилса-ю, ерга кириб кетсам!... Уят-номусдан, эс-хушимни йўқотиб, уйга отилиб кириб, эшикни беркитдим.

Шу воқеадан сўнг она-бола ҳар иккимиз тугилажак боламизнинг отаси ҳақида қайтиб оғиз очмадик.

Кеч кузга бориб Ҳилоланинг кўзи ёриди, оиламизда янги чақалоқ, ягона эркакимиз бўлиб сунанадиган ўғил фарзандни оллоҳ бизга инъом этган эди.

кимдан садо чиқмади. Эс-хушимни йиғиштириб, яна уйга қайтиб кираётганимда Одил ўзининг ёвуз қилмишни бажариб кўздан гойиб бўлган эди. Уйга кирганимда қизим юз тубан ағдарилиб, беҳуш ётган эди. "Тез ёрдам" келиб Ҳилолани касалхонага ётқизишди.

Қизимнинг жароҳатлари оғир эди. Касалхонада бир ҳафта мобайнида, гоҳ хушидан кетиб, гоҳ яна ўзига келган қизим фақат "Ойижон, ўғлимни асранг Ойижон!" деб ёлворар эди. Мен эса бошимни қаерга уришни, нима деб дод-фарёд қилишни билмас эдим. Шундай қилиб бешафқат ўлим Ҳилолани ҳам ёрғундундан олиб кетди. Менга эса ҳаёт ачиқ қисматлари эвазига беғуноҳ норасида гўдакни ҳаёда этди.

Қизимнинг фожеали ўлимидан сўнг менинг ҳам саломатлигим ёмонлашди. Равшанжонни эса эмизикли болалар уйига топширишди.

Мен Мастура холанинг ҳикоясини эшитарканман, сабр-қосам тўлиб-тошиб: "Қотил жазосини олдимми?" - деб сўрадим "Ҳа, албатта", деб жавоб берди у.

Мастура хола ҳозир Равшанжон ун ёшда эканлиги ва меҳрибонлик уйида ҳам ўқиб, ҳам тарбия топаётганлигини айтди. "Ҳар ҳафтанинг шанба кунинида Равшанжонни кўргани борганимда, -деб сўзини давом эттирди Мастура хола, - у мени маҳкам қучоқлаб: "Бувижон бирга яшайлик, мен ҳечам шўхлик қилмайман, гап-пиғизга қираман", - деб ёлворганда юрагим тилка-пора бўлади. Афсус, болани ўзим билан олиб кела олмайман. Сурункали ошқозон касали мени қийнайди.

"Отаси-чи, отаси хабар олса бўлмайди", - дея сўрадим мен. Мастура хола хўрсиниб, - "Рустамжон таг-туғли, эътиборли хона-

БИР ХАТО БЎСАДАН



ТУҒИЛГАН БОЛА

қўни-қўшилларнинг миш-миши, айримларнинг ҳайрат билан тикилишларига биз эътибор ҳам бермас эдик. Чақалоқни бағримга босиб аллалаганимда, гўёки Оллоҳ менга яна янгитдан оналик бахтини насиб этган сингари бахтиёр эдим. Боланинг исмини ҳаёт йўллари оидин, равшан бўлсин деб, "Равшанжон" қўйдик. Энди оилада 3 киши эдик. Қизим Ҳилолани парвариш қилиш, неварани эҳтиёт қилиш менинг зиммамга тушган эди. Гўдакка бўлган меҳр-муҳаббат, масъулият менга куч-қувват бағишлар эди. Мен пайпоқ тўкиб, турли хил қўйлақлар тикиб бозорга чиқар ва тирикчилик учун харажат қилиб қайтар эдим.

Афсуски, бахтсизлик, фожа яна эшик тақиллатиб келди. Равшанжон олти ойлик бўлган, энг ширин қилиқлари чиққан пайт эди. Ярим тунда кимдир эшикни қаттиқ теғди. Уйқусираб кўзимни очганимда, олдимида ҳайбатли кўзлари қонга тўлган ибليس сифат бир одам турар эди. "Мен Рустамнинг акаси Одилман. Укамизни уйлантирмоқчи эдик. "Унинг боласи бор", - деб уншамди. Қани у ҳаромивачча?" - деб қизим Ҳилола томонга ташланди. Қизим боласини бағрига босиб, ошхона томонга қочаётганиди, Одил унинг бети аралаш бошига тушириб, бурчақдаги иситгич трубаси томон итариб юборди. Калтак зарбидан гангиб қолган Ҳилола боши билан трубага урилиб, қизил қонига беланди. Мен, даҳшатдан чинқириб йиғлаётган гўдакни олиб, ташқарига отилдим. Дод-фарёд билан қўшилларни қақирдим. Лекин ҳеч

доннинг қизига уйланган. Яқинда жуда дабдабали ўғил тўйи қилиб, элга дастурхон ёзди. Ўзи ҳам унча узоқда бўлмаган янги маҳаллада яшайди"...

Мастура хола ҳикоясини тугатар экан, қалбимдаги тугёнлар, химоясиз, гариб, муштира она, ота-она меҳрига зор бўлган норасида гўдакка бўлган меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат, ёвузликка, қабиҳликка, қотилликка бефарқлик, адолатсизликка бўлган нафратим янада кучайди.

- Эй, одамлар, дегим келади, ахир бизга оллоҳ ёрғун дунёнинг энг буюк неъматиди бўлмиш фарзанд кўриш бахтини насиб этди-ку?! Нега бундай буюк бахтни бахтсизликка айлантирамиз?! Нега норасида гўдакларни ота-она меҳрига зор қилиб, етимхоналарда қолдираемиз?! Нега ўз пушти-панохимиздан яралган фарзандларимизни "ҳаромига"га чиқарамиз?! Ахир фарзанднинг туғилиши фақат бир томоннинг хоҳиш истаги билан бўлмайди-ку?! Ҳаёлимдан қарама-қарши фикрлар ўтар экан, бир шоирнинг қуйидаги мисраларини эсладим:

Бўса таббарқудир, азиздир инсон, Бўсаларни қилманг бегона.

Бир хато бўсадан туғилган бола, Қолмасин бе ота, ёхуд бе она...

Раъно ҲИММАТҚУЛОВА, Фаргона шаҳри.

Хамқишлоғим Малоҳат Холбоевнинг мақоласини ўқиб, тўғри ёганига амин бўлдим. Хамқишлоғим бўлгани учун эмас, балки ҳақиқатан ҳам Янгийул шаҳрида бекорчи эркаклар кўплиги ва ўзимнинг ҳаётимда эримнинг ҳеч қандай роли йўқ эканлигини англадим.

Тошкент шаҳридан Охунжон Бегматовнинг Малоҳатнинг мақоласига билдирган фикрини ўқиб чиқдим ва тезда Охунжон Бегматовга жавоб бергим келди.

Менинг 6 акам ва 3 укам бор. Ўғил болалар билан бирга ўсганим сабабли, оғир ишларни қилавериб юришим, гапиришим, феъл-атворим билан эркакларга ўхшаб кетардим. Акаларим уйли-жойли бўлиб кетишган. Мен ҳам 1991 йилда турмушга чиқдим. Оилада қайнонамнинг "гапи-гап" бўларди. Молларга қараш, ер чопиш, суғориш - умуман "эркакларнинг" ишини келин қилиши керак эди. Эрим телевизорнинг олдида эрталабдан кечгача ёнбошлаб ётарди. Ишдан ҳеч қочмаганман. Хомилалдор бўлган пайтим машинадаги бир қоп картошкани кўтариб, белимнинг оғриғига чiday олмай қолдим. Сўнг қайнонамга: "Ўғлингиз ҳам ташимайдими?" - деганимда: "Нима, бу картошкани фақат ўғлим ермиди?" - деб бақириб берди.

Шу кунни менда биринчи бор эримга нисбатан нафрат уйғонди... Худода шукр, фарзандим соғлом туғилди. Лекин турмушнинг кўп "мушти" бўларкан. Эрим бекорчиликдан зерикиб, ичкиликка берилди. Жанжал-тўпалонлар кўпайди. Қайнонам менга: "Сенга уй керак, сен менинг ўлимимни кутаяпсан", - дея ўғлига гап ўргатиб, мени урдирарди. Мен бунга ҳам чидаб яшадим. Чунки фарзандим иккита эди ва улар отасиз қолишини истамасдим. Охири қайнонам маҳалла оқсоқолига чиқиб, менга тухматлар уюштириб, уйни бўшатиб қўйишимни талаб қила бошлади. Унинг айтишича, эрим ичиб келса, мен жанжал бошлаб, уй талашарканман ва ҳоказо... Мен ёлғон, бўхтонни ёмон кўрардим. Ўзимнинг ҳақлигимни, ҳақ-ҳуқуқимни исбот қилолмадим. Маҳалла оқсоқоли ҳам қайнонамнинг гапига ишониб, менга уйни бўшатиб қўйишимни айтди. Ҳақиқат қани? Нега болаларим тирик етим бўлиши керак?!

Менинг гапим ичимда қолди... Уйни бўшатиб, дадамнинг қишлоқдаги дала ҳовлисига кўчиб ўтдим. Эрим индамай қолди, чунки қайнонам нима деса, шуни маъқуллаб турарди.

Шунда иккинчи бор менда эримга нисбатан кучли нафрат уйғонди...

Йўқ, мен онасига гап қайтарсин демайман, бунни истамайман ҳам. Лекин: "Хотинингни бир қўлингда, онангни иккинчи қўлингда тут. Иккаласини баробар кўр", - дейишган-ку! 30 га кирган киши ўз ақли билан

БЕШ ҚЎЛ БАРОБАР

"Юрагинг бунча муз, синглим?" - 41-сон.

ЭСАЛТАМА: Муҳаббат исмли қиз: "Текинхўр, боқиманда эркакни бошимга ураманми? Ҳозир эркаклар эмас, аёллар оила боқаяпти. Мен ўзимни ташминлай оламан", - дея турмушга чиқишни истамайди. Наҳотки ҳамма эркаклар Муҳаббат уйлагандек бўлса? Ахир мара, диёнатли, ишбилармон эркаклар ҳам кўп-ку!

Малоҳат ХОЛБОЕВА, Янгийул шаҳри.

"Қизим, ёлғизликни талламан!" - 43-сон.

ЭСАЛТАМА: Ўзбек миллатидек меҳнатқаш халқ, ўзбек йиғишдек мара инсон йўқ бу дунёда. Бу буюк миллатнинг эркакларини "уй қизига" чиқаришга, уларни текинхўр, боқиманда, деб ҳақорат қилишга ҳаққингиз йўқ. Муҳаббатхон, вақтингизни ўтказмай, ота-онангизни қўймай, укаларингизнинг ҳам умрини ўтказмай, бирорта йиғишга кўнгли беринг.

Охунжон БЕГМАТОВ, Тошкент шаҳри.

айтиб берсангиз сизга қайтаришимиз мумкин. Лекин гап бунда эмас. Шу болаларнинг ичидан биттаси менга берган телефон рақами сизларга тегишли экан. Исми Элдор эди аҳадшасам. Эр-хотин бир-бирига суяниб ўтириб қолишди. Шу орада қўлга тушган болаларни олиб чиқшди. Уларнинг орасида...Элдор ҳам бош эгиб турарди. Ортидан кирган йигит эса капитаннинг буйруғи билан улар ўғирлаган нарсаларни столнинг устига ёйиб қўйди. Кўзлари кинидан чиқиб кетай деган Севара ўғли қилиб столнинг устидаги сумкачасига ташланди. Аммо, капитан уни тўтиб қолди.

-Шошманг-чи, опаком! Бу сумкача чиндан ҳам сизникими?
- Мменики, деди ҳаяжондан қалтираб Севара.

- Унда аввал ичда нималари борлигини айтасиз. Акс ҳолда сизга ишонмаймиз, - деди. Севара ҳаммасини айтди. У ерда уч минг доллардан ташқари ҳамма пуллар бор экан. Маълум бўлишчи, Элдор ўзига уч минг долларни олиб, қолганини дўстига сумка-пумкаси билан берган экан. Уларнинг анграйиб қолганини кўрган капитан керакли маълумотларни ёзиб олгач, кетиш учун жавоб берди. Шунда Севара капитанга қараб:
- Элдор ҳам биз билан кетади-а? Чунки, биз унга даъво қилмаймиз. Ахир у ўз фарзандимиз-ку! - дейишди.

- Йўқ, ўғлингиз ўғирлик, талончилик қилган гуруҳга қўшилиб қолган. Бошқа жонотлар ҳам содир этган. Энди қонун олдида ҳаммаси биргаликда жавоб беришади, - деди.

Севара доллаб йиғлай бошлади, эри эса бошини эгиб турарди. Охири:
-Бас қил, хотин. Ҳаммасига сен сабабчисан, агар уни эркалаб, пул бериб талтайтирмаганингда эди, бу ҳол юз бермасди. Боламинг бошига етдинг. Энди чидаймиз-да, бу ёёига, - дея хонанд чиқиб кетди. Бир аҳволда уйларига етиб келган Эр - хотин роса бақир-чақир қилишди. Эртасига эса суд-терговга гуруширди. Бозор ҳам ўлда-жўлда қолди. «Ўзингдан чиққан балага, қайгаборасан даъвога», - деганларидек, Севара билан Мардон энди кечалари ҳашаматли уйларида тунларни бедор, афсус-надоматлар билан ўтказишарди.

Басира САЙДАЛИЕВА.

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Деҳқонтуда қишлоғида аҳоли зич жойлашган. Болалар томма-том сакраб кўшни қишлоқдан чиқишлари мумкин. Деҳқонлар яқшанбани бозор куни аташарди. Шу куни бир ҳафталик бозорлигини қилиб олишди. Мен эса ҳовлимиз ёнидан оқиб ўтадиган ариқ устидаги кўприкда оёғимни осилтириб олиб ўтириб, бозордан қайтаётган ҳамқишлоқларимни тамоша қилишни хуш кўраман. Худди кино лентасидек: биров отда, бошқаси эшак минган. Ораларида елкасига ҳуржун ташлаб олган пиедалар ҳам кўринади. Ҳар-ҳар замонда устига 4-5 та аёл мингашиб олган кўкон араваси ҳам ўтиб қолади. Аёлларнинг бошида бир хил рўмол, юзини шу рўмол билан пана қилиб олган, эғнида бир хил матодан, бир хил рангда кўйлак ва нимча. Худди цирк дейсиз. Шу келаётган карвон ичидан бирови менга қараб:

—Хой, Суннатиллоҳ болам, бахтинг бор экан, онанг келаяпти, тур. Қутиб ол. Югур, деди. Мен эса ерга михлангандай, қимирламай, онам борми, йўқми, ранги қанақа эди, эсимда йўқ. Кейин бошқа бир кучлироқ овоз билан хаёлим ўзимга қайтди:

—Суннат, укагиман, Тошкентдан онанг келаяпти. Маликалардек чиройли онанг бор экан. Тур дарров...

Бир маҳал эғнига гулли крепдешини кўйлак кийган, бошида ялтироқ дуррача, оёғида ялтироқ туфли, ёғнида 3-4 ёшли дўмбоқ, чиройли ўғил бола етаклаган, гўзал бир аёл келиб, уч қадам нарида тўхтаб, менга тикилиб қараб туриб қолди. Кейин кўлларидоғи сумкасини икки томонга улоқтириб, югуриб келиб юзимни икки кўли орасига олиб ўнг қулоғим тағидаги холимни пайпаслади, кейин маҳкам кучоқлаб олди. Бозорчилар тўхтаб онамнинг сумкасини ердан олиб, чангдан тозалаб, онамга топширишди. Онам шу ердаёқ, икки йиллик "қадрдон" тўнимни ечиб, бир чеккага улоқтирди-да, сумкасидан яп-янги, оппоқ кийимларни олиб кийинтирди. Етақлаб уйга кирди. Яқшанба бўлгани учун амаким уйда экан. Онам кеннойим ва амаким билан роса жанжал қилишди. Қулоғимда қолгани: —"Укағизнинг аламини унинг ўғлидан олибсиз-да, ака! Уят эмасми? Гўдакда нима айб?"

Хотини менга қилган зулмларидан бебахар, эрта азондан туриб, кеч-икки хуфтонда уйга қайтадиган амаким онамнинг бу гапидан ғазабга келди: —Ўғлингга нима ёмонлик қилибман? Мен нима есам, шуни-еди, нима кийсам шуни кийди. Уруш вақти қаҳатчилик. Элга келган тўй бу. Қишлоқда ҳамманнинг аҳоли шу. Сен, шаҳарлик келин. Менга закончилик қилма. Ана ўғлинг сог-саломат! Олгин-да жўна Тошкентингга!..

Шундай қилиб икки йиллик саргондонлигимга чеб қўйилди. Шу икки йил ичида фақат мурувватли ҳамқишлоқларим туфайли очдан шишиб ўлишдан сакрамни қолдим. Шу икки йил ичида бирор нотаниш киши менга ёмонликни раво кўрмади, хўрламади. Қариндош бўлмаса-да бегона, бутунлай ёт одамлар ғамхўрлик қилишди. Мен тўғримда бегона одамлар онамга хабар етказишмаганида мени тирик қолишим гумон эди. Тирик бўлсалар, умрлари узоқ, ўтган бўлсалар, оллоҳ уларнинг жойларини жаннатдан ато қилган бўлсин!

Эшитишимча кеннойимни худо унинг тириклигидаёқ қаттиқ жазолабди. Катта ўғли Кўкон жинниҳонасида вафот

этибди. Кичиги ароқ билан "ошно" бўлавериб, ҳамқишлоқлари, қариндош-уруғидан узоқда; бегона юрда, чойхонада жон таслим қилибди. Иккови ҳам уйланмаган эди. Эй, бор худо! Ўзингга шукр қилгайман. Сен мени кўп мартаба мурувватли инсонларга дучор қилдинг. Мени ёрлақдинг. Гўдаклигимда менга яхшилик қилган мурувватли инсонларни кўп учратдим. Улар жуда кўпчилик эдилар. Афсуски уларнинг исмини билмайман. Узинг кечиргайсан. Шундай қилиб, онам мени қизил ва-

Кўрган-кечирганларим

алоҳида катта тўй ўтказиб, қўлимизни ҳалолладилар. Оллоҳ уларни ётган жойларини нурафшон қилгайсан!

Ухшатмасдан учратмас деганларидек Мансур акамнинг турмуш ўртоқлари - Кутбинисо ая ўта мурувватли, етимпарвар аёл эдилар. Биз болалар бу меҳрибон инсонни эркалаб Бўта кўз опа, Бўта олоқи деб қаҳирар эдик. Бу жаннати аёл ўзининг- 3 қизи, 4 ўғли бўлатуриб, уларнинг ризқидан қирқиб урушнинг биринчи кунидан бошлаб то 1947 йилга қадар, заборний карточка бекор қилин-

гунга қадар биз етимларни кечки овқат билан таъминладилар. Ўзлари нима есалар- мошкичирими, маставами, хамир овқатми- бир кичик тоғара- чада кечкурун аввал бизга киритиб юборардилар. Биз онам, опам, укам ва мен оғир уруш даври қаҳатчилигидан, оқдан ўлмай чиқиб олганимиз учун фақат шу аёлга, унинг руҳига таъзим этмоғимиз лозим.

Шундай қилиб, 1946 йилнинг 1 сентябрида суннат тўйимдан бир ҳафта кейин мен биринчи синфга ўқишга борадиган бўлдим. Онам бўздан кўйлак-иштон, китоб-

опам ўзлари калиш ва пайпоқ сотиб олиб онамга берган бўлсалар керак, 2-3 кундан кейин янги пойафзал кийиб мактабга бордим....

Йиллар бир-бирини қувиб ўтиб бораверди. Мен 10-синфни битиргандан сўнг икки бор институтга ҳаракат қилиб ҳар сафар балим етмай кира олмадим. Кейин ҳаракат ҳам қилмай қўйдим. Ишга кирмоқчи бўлиб Тошкент экскаватор заводи, Лак-бўёқ заводи, Ёғочни қайта ишлаш заводи каби жойларга учрашдим. Жой йўқ дейишди. Охири ошпазга ёрдამчи бўлиб ишга жойлашдим. Ишдан бўш вақтларимни Алишер Навоий кутубхонасининг бадийи китоблар залида китоб ўқиб ўтказардим. Ўзига ишонган, гурурли одамга баъзан бир гап ҳам таъсир қилиб ҳаётингда туб бурилиш ясар экан.

Ўрта мактабни битиргандан 6 йил ўтгач, ҳозирги Амир Темур хиёбонида собик синфдошимни учратиб қолдим. Қўл учини бериб сўрашган бўлиб, менга қараб:

—Ха, Суннат! Ҳали ҳам тарелка ташиб юрибсанми? Қўриб қўй, мана мен бугун диплом олдим. Физика-математика факультетини битирдим,- деди. Мен синфдошимни самимий табрикладим. "Ҳали ҳам тарелка ташиб юрибсанми?", деган гапи оғир ботди: —Уғрилиқ, жиноят дўстим. Меҳнатнинг айби йўқ. —Шундай дедим-у, вужудимда руҳий куч галаён қилди. "Ўқиш қанақа бўлишини сенга кўрсатиб қўйганим бўлсин",- дедим ичимда. Шу йили жиддий тайёргарлик қўриб ТошДУнинг тарих факультетига ўқишга кирдим. Иккинчи курсдан домларнинг назарига туша бошладим. Айнисса, профессор Отабой Содиков менинг курс ишларимни ўқиб бошқа талабаларга намуна сифатида кўрсатарди. Диплом ишимга илмий раҳбар бўлиб, битирганимдан сўнг, ТошПИ-ҳозирги Политехника Университетига ўқитувчиликта тавсия қилдилар. Орадан 5 йил ўтгандан сўнг профес-



ОДАМЛАРНИНГ НАҚШИДИР...

гонда Тошкентга ўз уйимга олиб келди. Ҳовлига кирсам ажайиб манзара! Олти сотихли ҳовлимизда маккажўҳори икки одам бўйи ўсиб ётибди. Ҳар тупида 5-6 тадан жўҳори. Олчалар пишиб ётибди. Зарурият билан ҳовлимиз этагига бориб, ундан 2-3 метр берида эски пахса деворга суюб қўйилган 2 қоп тўла нонга кўзим тушиб қолди. Қопни оғзи очиқ бўлиб устини икки энлик чамас қоплаган. Қўлимга олиб қарасам оппоқ бугдой унидан қилинган бўҳонка нон бўлақлари. Кўзимга ишонмай қолдим. Уйга кириб онамни гапга тутдим: —Ойи, бизни уйда нонимиз бор-а? Нонимиз кўп-а!

—Ха ўғлим, худого шукр, нонимиз бор. Ана, ҳовлимизда мевалар пишиб ётибди. Ҳозир сенга жўҳори кабоб пишириб бераман...

—Ойи, уйимизда нонимиз кўп экан, нега мени қишлоққа бериб юбордингиз? Нега онамни ёки укамни бериб юбормадингиз?

—Билмадим ўғлим, худо шуни хоҳлаган бўлса керак. Энди уруш тугади, болам. Сени ҳеч кимга бериб юбормайман. Яқинда мактабга ўқишга борасан.

Қишлоқдан қайганимга 2-3 ой бўлиб мактабга борадиган вақт ҳам келди. Аммо муаммо чиқиб қолди: 8 ёшга тўлиб 9 га қадам қўйсам-да, суннат қилинмаган эканман. Бизнинг маҳаллалик, лекин уч кўча нарида яшайдиган Зиебйорибойача деган одам, жойлари жаннатдан бўлсин, ўғилларига қўшиб суннатга ётқишига онамдан рухсат сўрабди.

Бундан хабар топган ён қўшимиз Мансур қассоб исмли мурувватли инсон бундай савобли ишга ўзлари бел боғладилар. Биз улар учун бегона бўлсак-да бизга оталиқ қилиб, мен ва укам учун

дафтар учун папка тикиб бердилар. 32 та ҳарфни ўрганиб бўлмасимиздан қиш келди қиличчини кўтариб...

Қор тизза бўйи баробар, жанобингизни оёғида резинкадан қуйилган қаттиқ қовуш, пайпоғи йўқ, палто йўқ. Шу аҳволда синфга кириб бораман. Мендан бир синф юқори опам ўқийди: унинг бошида жун рўмол. Эғнида пальто, оёғида қишки пойафзал. Ўқитувчимиз Қутби опа болаларга жуда меҳрибон, ширин сўзли, маданиятли, гўзал бир аёл эди. Мен эса унинг синфидоғи ўқувчиларининг энг қашшоғи. Ўқитувчи онамни чақиртирди. Онам ўқитувчимиз билан йўлакда анча гаплашди. Онам эри урушда бедарак йўқолгани, учта боласи борлиги, жуда ночор эканлиги ҳақида гапирди. Ўқитувчим синфга кириб ҳамма болаларга эълон қилди: «Эртага ҳар битангиз 1 сўмдан пул олиб келинлар». Синфда 42 нафар бола ўқирдик. Эртасига пулни йиғиб олди-да мени қўлимга тутқазиб: —Ойингга айт, оёғингга янги калиш ва иссиқ пайпоқ олиб берсин!— деб айтди. Мен уялиб кетдим ўртоқларимдан ва бошимни партага қўйиб йиғладим. "Менга садақангиз керак эмас, ойим ўзлари олиб беради...— керакмас"...

Ўқитувчи бошимга ўнг қўлини қўйиб ўзига қаратди. «Болоҳоним бу садақа эмас, ёрдан пули. Сенинг отанг мана шу болаларнинг келажаги учун, мен учун ҳалок бўлди. Бизлар уруш қатнашчиларининг оиласи олдида қарздоримиз. Йиғлама болоҳон. Бу оғир кунлар ўтади, сен ажайиб инсон бўлиб етишасан»... Мен барибир пулни олмадим. Қутби

сор Кўчқор Ҳасанов раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ёқладим. Илмий ишимга Ўзбекистон ФА мухбири аззоси Раҳима Ходиевна Аминова юқори баҳо берди. Илмий ишимни давом эттириб 2 монография, 4 брошюра, 30 дан ортиқ илмий мақола чоп эттирдим. Докторантурани битирдим. Ўйлаган ниятларимга эришдим. Албатта бу ишлар меҳнат билан амалга ошди. Меҳнатим самарали бўлишида эса мурувватли устозларимнинг хизматлари жуда катта. Улар ҳақида алоҳида ҳикоя ёзаман.

Одам борки, одамларнинг нақшидир, Одам борки, ҳайвон ундан яхшидир.

Ҳазрат Навоийнинг бу сатрларини мактабда, 3-синфда ёд олгандим. Маъносини энди-60 ёшдан ошгандда тушунадим. Одамнинг асли-гултожиеси мурувватли инсонлар экан. Бизни ўраб турган замон ва маконда улар жуда кўпчиликни ташкил этади. Яхши инсон, мурувватли одам-ўта камтарин, кўзга ташланмас экан. Шунинг учун бўлса керак, одамлар бундай мурувват эгаларини дарров пайқай олмайдилар. Мурувватли инсон ҳам ўз навбатида мен фалончига яхшилик қилдим демайди. Яхшилик қилиш-мурувватли инсонларнинг ҳаёт тарзи, фаолиятининг йўналишидир. Жамият шундай одамлар туфайли ривож топади, гуллаб-яшнайди. Аксинча, ёвуз одам-ёвузлики ўзига касб қилиб олади. Ёвуз одам ҳаёт дарахтини кемиради, уни қулатади. Ўзи ҳам қулаган ўша дарахт остида ҳалок бўлади. Ҳаёт диалектикаси ана шундай.

Суннатulloҳ АҲМАДАЛИЕВ
Тошкент шаҳри.

Азиз қиз-жувонлар!

Гўзал бўлишни, узоқ йиллар ёшлик жозибасини сақлашни истасангиз ўзингиз учун ўзингиз вақт ажратиб турли шифобахш неъматлардан малҳамлар тайёрланг. Қош, кўз, киприк, юз, қўл, бўйин териси, соч, қошат уйғунлиги рисоладагидек бўлишига эришиш учун озгина ҳафсала қилсангиз — нафақат кайфиятингиз кўтарилади, балки яқинларингиз дилига ҳам нур бағишлайсиз. Ёзининг ушбу дамларида танга, қиёфага малҳам ва жолзиба бағишловчи неъматлардан ўз ўрнида фойдаланиб қолинг...

ТЕРИНИ ОЗИҚЛАНТИРАДИ, КЎРК БАҒИШЛАЙДИ

Куз кунлари кўпчиликнинг тана териси қуруқлашиб, ўз кўркини йўқотади. Терини асл ҳолига келтириш учун табиий сугдан фойдаланиб куйдагича ванна тайёрлаш мумкин:

Ваннани иссиқ (37° С- 38°С) сувга тўлдириб, унга 2-3 литр сут солинг ва шу сутли ваннада 15 дақиқа ётинг. Бундай ванна аввало қон айланишини яхшилайдди, терини юмшатади, кўркамлик бағишлайди. Вақти-вақти билан яна шундай ванна қабул қилсангиз танангиз роҳат қилади ва гўзаллигингизга гўзаллик қўшилади.

МОЙЧЕЧАК ДАМЛАМАСИ ФОЙДАЛИ



Мойчечакдан ҳар хил шамоллашларда даво сифатида шунингдек, кўз ва юз терисини яхшилашда ҳам фойдаланиш мумкин. Кўзлардаги шамоллашни даволаш учун икки уч дона мойчечак гулини олиб устидан қайноқ сув солиб қўясиз. Илик ҳолатга келгандан сўнг кўзлар ювилади. Ёки 2 литр қайноқ сувга бир ховуч мойчечакни солиб, аралаштирасиз, сўнграндан чиқаётган бугга 10 дақиқа давомида юзингизни тўтиб турасиз.

Бу муолажа нафақат кўзлар учун балки юз териси учун ҳам жуда фойдали. Кўзлардаги чарчоқ ва шамоллашни олади, унинг таркибидаги кислоталар юз терисини тозалайди, юмшатади ва натижада юз терисининг фаолияти яхшиланади.

САРИМСОҚ ПИЁЗ ХУСНБУЗАР КУШАНДАСИ

Қадимдан Хитойда тананинг тиланган, кесилган жойларини ёки яраларни даволашда саримсоқ пиёздан фойдаланишган. Чунки саримсоқ пиёзда танани микроблардан муҳофаза этиш хусусияти кучли. Саримсоқ пиёздан балоғат ёшига етган йигит-қизларнинг хуснбузарларини йўқотишда ҳам фойдаланса бўлади. Бунинг учун хуснбузар чиқа бошлаши биланоқ унинг устига янги саримсоқ пиёзнинг сувини суртиб қўйиш керак. Саримсоқ пиёз суви суртилган хуснбузарлар тезда қуриб йўқолади.



ТУХУМНИНГ САРИГИ — СОЧГА ЖИЛО

Тухумнинг сариги таркибида лецитин моддаси бўлиб, у соч рангини жилолантиради. Бундан ташқари соч тарашини осонлаштиради. Ниқоб қуйдагича тайёрланади: Идишга 2 дона тухумнинг сариги солиниб устидан 50 мл. пиво солинади. Аралашма сочларга суртилади ва полиэтилен қалпоқ кийиб, рўмол билан ўраб қўйилади. 30 дақиқадан сўнг илик сувда сочлар чайилади. Тухумнинг саригини ажратаётганда унга оқи аралашмасин. Акс ҳолда тайёрлаган ниқобингизнинг таркиби бузилиши ва керакли натижага эришолмаслигингиз мумкин.

БОДРИНГ ТЕРИНИ ТОЗАЛАЙДИ

Янги узилган бодрингнинг шарбати юз терисини учун энг яхши тозаловчи воситадир. Юздаги ёғларни, чанг ва кирларни тозалашда жуда қулай. Ҳатто юздаги ёғли тешиқларни торайтириш хусусиятига эга. Ундан фойдаланиш усули эса оддийгина. Янги бодрингни олиб ҳалқача шаклида юпка қилиб кесиб чиқасиз ва бетингизга ёпиштириб қўясиз-да, устидан сочқини ёпиб қўйиб, (тезда қуриб қолмаслиги учун) 20 дақиқа давомида ўтирасиз, сўнгранда олиб ташлайсиз.



ПЕТРУШКА ХИДНИ ЙЎҚОТАДИ

Петрушканинг таркибида С витамини ва минерал сувлар сероб. Хар куни овқатдан сўнг петрушканинг бир шохчасини оғзингизга олиб чайнаш билан оғизда пайдо бўладиган нохуш хиднинг олдини оласиз, ҳамда бир йўла унинг таркибидаги витаминлардан ҳам баҳраманд бўласиз. Айниқса, милклар шамоллаганда петрушкани чайнаш жуда фойдалидир.



АНАНАС — СЕПКИЛЛАРНИ РАНГСИЗЛАНТИРАДИ

Баъзида сепкилларни бутунлай йўқотиб юборишнинг иложи бўлмайди. Лекин озми-кўпми уларни рангсизлантириш ва улардан қутулиш мумкин. Ана шундай рангсизлантиришда ананас ёрдам беради. Ҳафта-сига ҳеч бўлмаганда икки марта ананасдан фойдалансангиз бўлади. Бунинг учун 1 ош қошиқ сиқиб олинган ананас сувига 1 ош қошиқ қатик, 1 ош қошиқ қулупнай, 1 ош қошиқ банан ва 1 чой қошиқ асал солиб яхшилаб аралаштирасиз. Тайёр маҳсулотни сепкиллар бор жойга суртасиз. 20 дақиқадан сўнг илик сув билан ювиб ташлайсиз. Ананасли ниқобини қаймоқ қўшиб ҳам тайёрлашнинг мумкин. Бунинг учун ананаснинг юмшоқ қисми олиниб, унга қаймоқ қўшиб яхшилаб аралаштирилади ва терига суртилади.

ХУШРЎЙЛИК СИРЛАРИ



КЎКАТЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН САЛАТ

Мавжуд бўлган барча кўкатларни: петрушка, укроп, селдер, салат ва ҳоказоларни олиб майдалаб тўғрайсиз ва озроқ зайтун мойидан, лимон сувидан қўшиб яхшилаб аралаштирасиз. Тайёр салатни бетингизга суртиб 20 дақиқа давомида устидан сочқиб била бекитиб ўтирасиз. Сўнг илик сувда ювиб ташлайсиз.



ЛИМОН — ТЕРИНИ ЮМШАТАДИ



Лимоннинг таркибида С витамини кўп бўлганлиги сабабли шамоллаш хасталигида кенг қўлланилишини ҳамма билади. Лекин лимон шарбати ёрдамда тишдаги, тирноқлардаги доғларни кетказиш ёки оёқлар терисининг баъзи жойларида тери қалинлашиб доғдек кўринган жойларини асл ҳолига келтириши мумкин. Бунинг учун лимоннинг мағзи тирноқлар, тери устига яхшилаб суртилиб, устидан юмшатовчи крем ҳам қўйилади. Бу муолажани бир неча марта такрорланса натижаси кўнгилдагидек бўлади.

ОЛМАНИНГ ХОСИЯТИ



Олма витамин ва фойдали моддаларга ниҳоятда бойдир. Унинг таркибида айниқса темир моддаси кўп. Уни қанчалик кўп истеъмол қилсангиз, шунчалик юз терингиз яхшиланади боради. Олма иккига бўлиб мағзидан юз терисини ўқалашда фойдаланиш мумкин. Олма бўлагидан юз, бўйин териларини яхшилаб ўқалаш билан унинг таркибидаги моддаларнинг юз терисига таъсири ҳам кучаяди. Юз терисининг юмшоқлиги, нозиклиги ортади.

АСАЛ — АБАЛАР УЧУН ДАВО

Асалнинг таркиби асосан глюкоза ва фруктозадан ташкил топганлиги инсон танаси соғлиғи учун ниҳоятда фойдалидир. Унда шамоллашнинг олдини олиш, тана қувватини ошириш хусусияти кучли. Шунингдек, яраларни битишини тезлаштиради. Масалан: лаблар шамолдан ёрилиб ўз кўринишини йўқотганида асал энг яхши малҳамдир. Бунинг учун лабларга асални суртиш керак ҳолос. Бир неча муолажадан сўнг лабдаги ёрилган жойлар битиб кетади.



ҚАТИҚ, СУЗМА, ТВОРОГДАН ФОЙДАЛАНИШ

Қатик нафақат юз терисини юмшатади, балки уни тозалаш ва оқартириш хусусиятига эга. Қатикдан ниқоб тайёрлаш учун 3 ош қошиқ ёғсизроқ қатик олинади ва унга 1 ош қошиқ лимон суви ва қатикнинг зардоби (суви) солинади. Сўнгранда 1 чой қошиқ ўсимлик мойи солиб аралаштирилади. Тайёр ниқоб юзга суртилади ва устидан сувда намланган сочқиб билан бекитилиб, 30 дақиқа давомида ўтирилади. Сўнг илик сув билан чайиб ташланади.

ҚАЙМОҚ ЧАРЧОҚНИ ОЛАДИ

Бу маҳсулот юз терисини яхшилайди. Янги қаймоқ юзга кўркамлик бахш этади, танадаги чарчоқни олади. Ярим стакан суюқроқ қаймоққа 1 чой қошиқ лимон суви қўшиб аралаштирилади, сўнгранда пахта билан яхшилаб бетга суртилади. Кўзга суртмаслик керак. Лимон суви кўзни ачиштириши мумкин. Кўзга суртиш учун фақат қаймоқнинг ўзидан фойдаланиш мумкин. 20-30 дақиқадан сўнг юзингизни илик сув билан чайиб ташлайсиз.



АПЕЛЬСИН — ЯРАЛАРНИ ТЕЗ ТУЗАТАДИ

Апельсин пўстоғи таркибида инсон танаси клеткаларини янгилашга таъсир қилувчи, асабларни тинчлантирувчи ва яралар битишини тезлаштирувчи хусусиятга эга моддалар бор. Булардан ташқари унинг шарбатидан юз ва тана терисини яхшилашда фойдаланиш мумкин. Бунинг учун икки дона апельсин ва озроқ мева сиркаси олинади. Апельсинлар пўсти арчилиб, шиша стаканга солинади. Устидан қўмилиб турганча мева сиркаси қўйилиб, илик жойда икки ҳафта сақланади. Сўнг шарбати донадан ўтказиб олинади. Фойдаланишдан олдин албатта қайнатиб совутилган сув қўшиб кейин юз терисига суртилади. Сув қўшмасдан фойдаланиш тавсия этилмайди.



“Табиб — табиб эмас, бошидан ўтказган табиб”, - деган гап бор. Бу гап “Табобатнома” саҳифасини сиз - азиз муҳлислардан келган маслаҳатлардан фойдаланиб тайёрлади. Бу савобли ишга албатта Сиз ҳам маслаҳатларингиз билан ўз хиссангизни қўшасиз, деган умиддамиз.

ҚОН БОСИМИГА ЯНА БИР ДАВО

Ўзимдаги қон босими учун қуйидагича даво-ни кашф этдим. 40 дона чиннигулли идишга солиб, устидан 4 стакан сув қуйиб паст оловда, суюқлик ярим литр ҳолга келгунча қайнатаман. Тайёр суюқликни бутилкага қуйиб қўяман. Дори узоқ пайт бузилмай сақланади. Уни қунига уч маҳал 1 ош қошигида овқат олдиран ярим йил давомида ичиш лозим. Ана шунда қон босими нормага келади

Т. АБДУҒАНИЕВ

Хоразм

ЛОВИЯ ҚАНД МИҚДОРИНИ ПАСАЙТИРАДИ

65 ёшдаман. Қандли диабет касаллиги анчадан буён мени безовта қилади. Хозирча инсулиндан фойдаланганим йўқ. Қандни туширувчи дорилардан ичиб тураман. Аммо яқинда дардимга давонинг жуда оддий, аммо самарали усулини топдим. Балки бу усул кимнингдир мушкулини осон қилар. Уч донагина оқ ловияни оласиз ва тун бўйи ярим стакан қайнатилиб совутилган сувга солиб қўясиз. Эрталаб ловияни еб, сувини эса ичасиз.

Ж. ТўРАҲУЖАЕВ

Наманган

ҚОН БОСИМИ БАЛАНД-ПАСТ БЎЛАВЕРСА...



Мен кўп йиллар қон босимимнинг гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб кетишидан, ўзим учун қуйидаги даво чорасини топмагунча азоб чекдим.

Бу малҳам қуйидагича тайёрланади: Уртача катталикдаги 2 та лимон ва 2 та апельсин бўлақларга бўлинади, уруғлари олиб ташланиб, гўшт майдалагичдан ўтказилади. Бу аралашмага 2 ош қошиқ асал қўшилади ва шиша идишга солиниб хона ҳароратида 1 сутка сақланади. Дори тайёр! Уни 2-3 чой қошиқда овқатдан олдин чой билан ичилади. Қон босими нормага тушишидан ташқари, қон томирлар йўли тозаланади. Уни ҳамиша ичиб туришни одат қилинса фойдадан холи бўлмайди.

Д. ВОСИҚОВА

Самарқанд



ЮРАК ХАСТАЛИГИГА ДАВО

“Oila va jamiyat”ни сонма-сон ўқирканмиз, оила аъзоларимиз билан жуда кўп ҳам ҳаётим, ҳам тиббий маслаҳатлар оламиз. Бунинг учун ижодий жамоага ўз миннатдорчилигимизни изхор этамиз. Мен ҳам юрак хасталигига фойдали бўлган ўз маслаҳатимни бермоқчиман. Бунинг учун 10 та лимон, 10 та саримсоқғиёз гўшт майдалагичдан ўтказилади, аралашмага 1 кг. асал қўшилади ва икки ҳафта тиндириб қўйилади. Икки ҳафтадан сўнг дори тайёр ҳолга келади. Уни қунига 1 ош қошиғидан икки-уч маҳал ичилади. Агар юрак хасталиги билан бирга қон босими ошиши (гипертония) ҳам бўлса, бу малҳамга 100 гр. дўлана (бояришник) гуллари билан ҳам қўшилади.

В. КАРИМОВ

Тошкент

ЁШ ВА ГЎЗАМ БЎЛИШНИ

Ёшлиқ таровати ва гўзаллигини қандай қилиб узоқ пайт сақлаб қолиш ҳақида иккита маслаҳатим бор.

1-УСУЛ. 1 чой қошиқ лимон суви, шунча микдордаги асал ва 1 ош қошиқда ўсимлик мойи (қунгабоқар мойи бўлса айни муддао) аралаштирилади ва эрталабки наҳорга - оч қоринга ичилади. Бу малҳамни уч ҳафта узмасдан ичиш лозим. Бу амалнинг натижасини тезда ҳис этасиз ва сира афсусланмайсиз.

2-УСУЛ. 250 гр. саримсоқғиёз гўшт майдалагичдан ўтказилади ва 250 мл. гр. қиздирилмаган кунгабоқар мойи билан аралаштирилади, сўнг уч кунга салқин, қоронғи жойда сақланади. Уч кундан кейин аралашмага 250 гр. ун ҳолатига келтирилиб янчилган арпа қўшилади ва яна уч кун қоронғи, салқин жойда сақланади. Шу тахлит ёшлиқ ва гўзаллик малҳами тайёр бўлади. Уни овқатдан ярим соат олдин ичасиз.

Г. САИДОВА

Қарши шахри

ПИЁЗ ШАМОЛЛАШГА ДАВО



Мен шамолласам синтетик дорилардан кўра, ўз усулимдан фойдаланиб даволанаман. Бурнимдан сув оқиб, шамоллаганимни сезишим биланок, дарҳол пиёзни гўшт майдалагичдан ўтказиб чўзиламан ва докага пиёз қўйиб бурним атрофига айлантириб қўяман. 15-20 минут шу тахлит ётаман. Фақат кўзни қаттиқ юмиб олиш керак. Чунки ачиши мумкин. Бу усулни уч-тўрт марта қўлланса, шамоллаш тугайди.

М. ҲАҚБЕРДИЕВА.

ИШГА ҚАРШИ КАРАМ

Уйда қурилиш қилаётим, эримнинг оёғига тахта тушиб кетиб, шиши кетди. Оғриқни йўқотиш, шишни қайтариш учун оёққа қунига бир-икки бор карам барглари билан боғлаб қўйдим. Карам барги чайилади, ич томонидан суви чиқиши учун сал эзилади ва оғриётган жойга боғланади. Шу-шу эрим бу нохуш ҳолатдан кутулди.

Ч. ҚИЁМОВА

Анджон

ГЕМОРОЙГА (БАВОСИЛ) ДАВО

Бавосил - энг нохуш хасталиклардан бири бўлса керак. Бу касалликдан жуда ҳам қийналиб кетдим. Дўхтирим шундай давони буюрди: Сабзининг пўчоғини майда тўғраб (1/4 стаканни эгалласин) устидан қайноқ сув қўясиз, мазаси тотли бўлиши учун шакар ёки асал қўшилади ва эрталаблар чой ўрнига ичилади. Бу ичимликни куни билан 5 стакангача ичиш мумкин. Уч ой ичида бавосил нима эканлигини ҳам унутдим.

Р. ЭРГАШЕВ

Кўкөн

ОЗДИРУВЧИ ШАРБАТ

Қуйидаги шарбатни тайёрлаб ичиб мен озишга муваффақ бўлдим. Бу шарбат қонни ҳам тозаларкан. Уч кундагича тайёрланади. Эрталаб наҳорда - оч қоринга 1 стакан қайноқ сувга 2 чой қошиқ олма сиркаси, 2 чой қошиқ асал қўйиб ичинг. Сирка озиқ моддаларга бой, асалда эса минераллар ва витаминлар мавжуд. Аммо шуни унутмангки, сирка албатта олмадан тайёрланган бўлсин.

Б. МИРБОБОВА

Тошкент

СОЧ УЧУН ШЎРВА

Мен сизларга соч илдизини мустаҳкамловчи ўз усулим ҳақида ёзмамқиман. Гап шундаки, фарзанд кўрганимдан кейин мен бирдангина сочим тўқила бошлаганини сездим. Шундан сўнг сочимни даволаш йўллари излай бошладим.

Мен бу борада фақат тажрибада синалган халқона даволаш усуллари кўлланишга қарор қилдим. Бир неча муддат пиёзни гўшт майдалагичдан ўтказиб бошимга ўраб юрдим. Натижаси яхши бўлди. Лекин бу ишининг озроқ салбий жиҳати ҳам бор экан. Бу муолажадан сўнг минг

ювилса ҳам узоқ пайт бошдан пиёз хиди кетмайди. Бир куни мол ёғи ва шўрва ҳам сочга даво эканлигидан хабар топдим.

Мол гўшти ва оёғини шўр сувда гўшт суюқдан ажраладиган ҳолга келгунча қайнатиш керак. Шўрва доқадан ўтказилади. Совуғач, ёғи сувидан ажралиб чиқиши учун уни музлатгичга қўйилади. Кейин ана шу ажралиб чиққан ёғ ва қуюқлашган шўрвани бошга яхшилаб ишқалаб суртиб рўйол билан 40 дақиқача ўраб қўйилади. Соч соғломлашади, ялтираб жилоланадиган бўлади.

Г. РАҲМОНОВА.

БОЛАЛАРНИ УЙ ШАРОНТИДА ДАВОЛАШ

Болам хасталаниб қолса, онам ўз вақтида бизни қандай даволаган бўлса, шуларни қўллайман. Бола ҳарорати 38°га чиқа бошлаган бўлса, сочиқни сирка билан аралаштирилган сувда ҳўллайман-да, бир оз гижимлаб сўнгра боланинг бутун танасини оёғидан бошлаб артиб чиқаман. Шундан сўнг болани қуритмай туриб бир неча марта тақоррайман.

Балки эрим қорни оғрига мойчечакли дамламадан

фойдаланаман. Қуритилган мойчечак дорихоналарда бор. 2 чой қошиқ мойчечак ёки мойчечак билан бирга қуритилган ялпизни тенг миқдорда олиб стаканга солинади-да, устидан қайнаб турган сув қўйилади. 10 дақиқа дамланади. Сўнг доқадан ўтказилиб, иссиқ ҳолда ярим стакандан қунига 2-3 марта болага берилади. Бу усуллар самарали эканлигини вақт ва тажриба исботлаган.

Г. САМАДОВА,
Кўнғирот шахри

БРОНХИТНИ ДАВОЛАШ

Шу йил қишда мен бронхитга (нафас йўлларидаги яллиғланиш) чалиниб қолдим. Қўшни кампир менга шундай дори тайёрлаб берди. Бир ош қошиқ шувок (полин- рус тилида) эритмасини ярим бутилка арокка аралаштириб уч кун сақланади. Бу дори бир ош қошиқдан қунига уч маҳал ичилади. Бирон ўн кундан кейин бронхитдан асар ҳам қолмайди.

Э. НОРМУРОВОДА,
Бойсун.

ЁШ ЮРИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Узоқ вақт ёшликни ва тетикликни сақлаб қолиш ўзингизга боғлиқ. Тибет табобатчилари ҳамisha хушрўй, соғлом ва гўзал юриш учун тўрт амални тавсия қиладилар. Бу амаллар жуда оддий. Фақат унга оғишмай рия қилмоқ лозим.

Биринчи амал — овқатланишдир. Ҳеч қачон хаддан ортиқ тўйиб овқатланманг. Бу ҳолат танангиздаги хужай-



ралар фаолиятини толиқтириб, чарчатади. Овқат хазм қилиш учун жуда катта қувват сарфлашга тўғри келади. Ҳаракатларингиз сусайиб, ялқовликка мойиллашасиз. Кам ҳаракатлик эса тез қаришликка олиб келади.

Таомни меъёрида енг ва суоқликни ҳам меъёридан оширманг. Ана шунда танангиздаги хужайралар тез янгилашиб, вужудингиздаги тетиклик йўқолмайди, касаллик ҳам кам чалинаси. Фикрий имкониятларингиз ҳам ўткирроқ бўлади.

Иккинчи амал — завқли меҳнатдир. Ўзингиз ёқтирган меҳнат билан шуғулланг. Ишингиздан завқ олсангиз, вужудингиз ҳеч қачон чарқокни билмайди. Қалбингизни доимо ширин орзулар тарқ этмасин. Ҳеч кимга гина сақланманг ва чиройлироқ ишлашга интилишдан чарчаманг. Қалбингиз яхши орзу-умидларга лиммо-лим бўлсин. Биров билан қаттиқ баҳслашувга борманг. Ўз ишингизга шўнгиб кетинг.

Шуни билингки, завқли меҳнат қилган одам тенгқурларига қараганда тўрт-беш ёш кичирокка ўхшаб кўринади. Ҳамма билан хушмуомалада бўлинг. Ўзингизни муаммоли ишларга урмай, яхши меҳнатни ўйланг.

Учинчи амал — ҳаракатдир. Доимо ҳаракатда бўлинг. Кам ҳаракатлик одамни нозик ва инжик қилиб қўяди.

Ҳар икки ҳолат танани тез қаритиб, касалликка чалинувчан қилиб қўяди.

Спорт билан шуғулланг. Эрталаб бир соат вақтни турли машқларни бажаришга ва иложи бўлса югуришга ажратинг. Хўл сочида артиниб, танангизни чиниқтиринг. Ҳеч бўлмаганда, спорт машқлари учун ўн дақиқа ажратинг. Ҳаракат жараёнида

танада ёшлик гармонларини ишлаб чиқариш тезлашади. Кайфиятингиз яхшиланиб, вужудингиз тетик бўлади. Касалликка чалинмайсиз, юрагингиз ҳам бақувват бўлади.

Тўртинчи амал — уйку ва дам олиш билан боғлиқдир. Табобатчиларнинг таъкидлашича, хафтада ҳеч бўлмаганда бир кун фаол дам олмоқ керак. Тогларга чиқиш, шаршараларни кўриш, булбуллар овозини эшитиш вужудга ҳақиқий ором беради. Бу билан моддалар алмашинуви яхшиланиб, қаришлик аломатлари чекинади.

Салқинроқ хонада ухланг. Хона ҳарорати 17-18 даражадан юқори бўлмасин. Ана шунда яхши дам оласиз ва анча муддат ёшлигингизни сақлаб қоласиз. Бошқаларга хушмуомалада бўлиб, асабинг қаттиқ бузилишига асло йўл қўйманг. Чехрангиз самимий бўлса, ёш кўринаси.

ТАҚИЧОҚЛАР

Синалган ҳақиқатлар

Қизларнинг қандай тақинчоқ таққанига қараб, уларнинг феъл-атворини билса бўларкан.

Бўйнига марварид маржон тақиб олган қизлар соддароқ ва меҳмондўст, очик кўнгли бўладилар. Бошқаларга ёмонликни раво кўрмайдилар ва меҳнатга иштиёқи баланддир. Феъли кенг, кўнглида бор гапни очик-ойдин айтиб қўя қоладилар.

Аммо меҳнаткаш бўлганликлари билан қобилиятли эмаслар. Ишидаги чала-чулпалик дарҳол сезилиб қолади. Темирни қизигида босишни билмайдилар. Кўп ҳолатларда тор фикрлаб, хатога йўл қўйиб, азият чекиб юрадилар. Шундай бўлса-да, муҳаббатни қадрлайдилар. Хиёнаткўчаси улар учун беғонадир.

Иккала биллаги ҳам тилла биллакузук тақиб олганлар қувнок, танти, шалдир-шудирроқ бўладилар. Бошқаларнинг гапини ҳам унчалик кўнглига олмайдилар. Аммо ишларида хўжақўрсинлик кўпроқ бўлади. Ишнинг мазмун-моҳияти уларни унчалик қизиқтирмайди. Ташқи дабдабага мойиллик кучлидир.

Севги-муҳаббатда ҳам узоқ ўйлаб ўтирмай бортаваккал қилишлари мумкин. Лекин ҳаётда анчагина омад-

лидирлар. Кези келганда қаттиқ чиранишлари мумкин. Бошқаларнинг берган маслаҳатига амал қиладилар. Шундай бўлса-да, ишнинг сифатини бошқаларга манзур қила олмайдилар. Рўзгордаги тутуми ҳам унчалик эмас. Озодагарчиликни йўлга қўя олмайди. Ҳарқалай ҳаётда дугоналари кўпроқ бўлади. Одамлар орасида барибир обрў топа олади.

Тилла балдоқ таққан қизлар зебу-зийнатга ўчроқ бўладилар.

Аммо ишлари пишик-пухтадир. Инжиқликда ҳам анчагина сергалва бўладилар. Уларнинг ижобий томонлари шундаки, озгина нарсани ҳам кўпдек кўрсата оладилар. Санъат ишларида ўзларининг қобилиятларини кўрсата оладилар ва обрў топа оладилар.

Муҳаббат ботида фикри ўзгарувчандир. Бир ишни ўйлаб туриб, бошқа ишни қилиб қўядилар-да, бундан азият чекиб юрадилар. Севган кишининг кўнглини топа олса-да, унинг хафсаласини пир қилиб қўйиши ҳеч гап эмас. Бундай қизлар бахтли яшаш учун феълни кенг қилишига тўғри келади. Ҳарқалай хушчакчақлиги билан кўпчиликка манзур бўла оладилар.



ҒОЙИБ БЎЛГАН АЁЛ

Йўловчи ташийдиган "Дамас" машинаси ҳайдовчиси менга шундай воқеани хикоя қилиб берди:

-Сой бекатида йўловчиларни кутиб турган эдим. Ёнимга бошдан-оёқ оппоқ кийинган бир аёл келиб сўради.

- Қорабурага бормоқчимисиз?

- Ҳа, ўша ёққа, - жавоб қилдим унга.

- Жилаверайлик бўлмаса, одамлар чиқиб қолар. Вақтингизроқ эди.

- Тўрт кишига тўлайман десангиз, жилаверамиз.

- Майли, агар йўлдан ҳеч ким чиқмаса тўлайман.

Машинани ўт олдим. Аёл орқа ўриндиққа жойлашиб олди. Оппоқ рўмолга ўралиб олгани учун унинг юзини яхшироқ кўриб бўлмади. Ҳарқалай оқ юзли, ўнг лунжида холи бор жувон эди. Машинани дала йўлдан ҳайдаб бораётганимда, қоронғи тушай

деб қолганди. Шу пайт бир тўп хашарчи қизлар қўл кўтариб қолишди.

- Ўн кишимиз, бизни Бўтақарага ташлаб қўйинг, тоға.

- Йўқ, йўлимиз тескари экан, - дедим уларга. - Қорабурага йўловчим бор.

- Ундай бўлса, ўша ёққа борадиган битта қизимиз бор, ола кетинг.

Бошига дуррани тангиб ўраган қиз, ичкарига мўралаб, аёл киши ўтирганига кўзи тушдию, унинг ёнбошига чиқиб ўтирди. Шаҳардан чиққан йўловчи аёл худди мудраётгандай бошини қуйи солиб бораётганди. У янги чиққан йўловчига қараб ҳам қўймади.



Қоронғи ғира-шира тушганда Қорабурага кириб бордик. Йўловчи қиз қишлоққа қиравериб машинани тўхтатишимни сўради. У машинадан тушиши билан қора тўн кийган йигит қизнинг ёнига келиб:

- Э, хайрият, келдингми? Сени интизор бўлиб кутиб тургандик, - деди.

Қора тўнли йигит менга қараб кафтини кўксига қўйиб, қуллук қилди. Машинани ўридан жил-

дираётди, оркамга ўғирилдим.

- Сиз қаерда тушасиз, опа?

Йўловчи жавоб бермагач, орқага ўғирилдим-у, сочим тикка бўлай деди. Шаҳардан ўтирган йўловчи ўрнида ҳеч ким йўқ эди. Ҳам кўрқиб, ҳам таажжубланиб, пастга тушдим. Қора тўн кийган йигит савол назари билан юзимга боқди.

- Ҳа, ака? Синглим йўлқирани бермадингми?

- Берди. Шаҳардан йўловчи аёлни олиб келаётгандим. Шу ерга келганда ғойиб бўлиб қолди. Машинадан ҳеч ким тушганини кўрмадингизми?

- Йўқ, кўрмадим. Юз тузлиши қанақа эди?

- Яхшироқ эътибор бермаман. Ҳарқалай оқ юзли, ўнг янгида холи борга ўхшади.

- Худди бизнинг аямиз-ку! - таажжубда елка қисди қора тўнли йигит. - Онамиз обрў ётибдилар. Синглимиз билан рози-ризолик



сўрашиб қолай, деб кўз тикиб ётгандилар.

Шу пайт ҳовли ичкарисидан йиги овози эшитилди.

Қора тўнли йигитнинг кўзларига бирдан ёш қалқиди.

- Демак сизни онамининг руҳи бошлаб келибди-да, узр ака, - дея уйи томон югурди кетди.

Бир неча дақиқа ўша жойда серрайиб туриб қолдим. "Қизим рози-ризолик сўрашга улгуриб қолсин", деб мени бу ерга она руҳи бошлаб келган экан-да...

Саҳифани К.НИШОНОВ тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият
Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.
Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА
Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41
Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 21.00
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 139. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ, Адади - 15856
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОВ
Навбатчи — Т. НОРИМОВ
Мусаҳҳих — С. САЙДАЛИМОВ